

ЮСУФ ХОС ХОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИК” АСАРИДА ЭЛЧИЛИККА ДОИР МАСАЛАЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15638816>

Пулатова Севара Акмаловна

sevaraakmalovna@mail.ru

ORCID:0009-0000-4816-1696

ALFRAGANUS университети

“Халқаро муносабатлар ва тарих” кафедраси,
тарих фанлари номзоди, профессор

АННОТАЦИЯ

Мақолада миллий давлатчилигимиз тарихида давлатлараро алоқалар ва уларни ривожлантиришида элчи ва элчиликнинг ўрни кўрсатиб берилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асарида элчи шахсига қўйилган талаблар таҳлил қилинган ҳамда унда мавжуд бўлиши керак хислатлар батафсил кўриб чиқилган. Асарнинг барча даврлар учун ўтмас аҳамияти асослаб берилган.

Калит сўзлар: Юсуф Хос Ҳожиб, “Қутадғу билик”, элчилик, дипломатия.

ABSTRACT

The article shows the role of ambassadors and embassies in the development of interstate relations in the history of our national statehood. Yusuf Khos Hajib's book Kutadgu Bilik examines the requirements for the personality of an ambassador, and examines in detail the qualities and abilities that they should possess. The enduring value of this work for all time is substantiated.

Keywords: Yusuf Has Hadjib, Kutadgu bilig, embassy, diplomacy.

Ўзбекистон давлатчилиги қадимий ва бой тарихга эга. Табиийки ҳар бир давлат ўз ривожи жараёнида бошқа давлатлар ва ўзга халқлар билан алоқалар боғлайди, мулоқотга киришади. “Тарихан дипломатия давлатчиликнинг, сиёсий ва ижтимоий институтларнинг муҳим ажралмас қисми ҳисобланади. У узлуксиз ҳаракатда, тараққиёт ва такомиллашув жараёнида” [1, 3-б.] бўлади. Ўзбекистон дипломатияси ҳам миллий давлатчилигимиз каби чуқур тарихий илдизларга эга. Ўзбекистон тарихи” кўп жилдлик жамоавий монографиянинг VII жилди Ўзбекистон дипломатияси тарихига бағишланган бўлиб, унинг сўзбошида таъкидланганидек: “Ўзбекистон дипломатиясининг шаклланиши, замон билан ҳамнафас ва миллий тарих ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги кўп асрлик давлатчилик анъаналари билан яқиндан боғлиқликда ривожланган” [1, 3-б.].

Шу билан бирга, Ўзбекистон дипломатияси халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган ўзига хослиги, маданий қадриятлари, урф-одатлари ва анъаналари, шунингдек, турли соҳалардаги алоқаларини акс эттиради ва тарихий ворисийлик асосида ривожланади. Ўзбек халқининг асрлар давомида бошқа халқлар билан тинч-тотув яшаб, яхши алоқалар ўрнатиши давомида элчилик фаолиятини олиб борган шахсларга нисбатан талаб шаклланган ва уларнинг илми, ахлоқи, инсоний фазилатларига аҳамият ортиб борган. Элчи ва у эга бўлиши лозим бўлган хислатлар тизими ишлаб чиқилиб, улар ўрта аср манбаларида ўз аксини топган. “Дипломатиянинг ўзига хос ва умумий қадриятларига монанд тамойиллари буюк туркий обида - «Қутадғу билик» (“Саодатга йўлловчи билим”) асарида ўзининг ҳар томонлама тавсифини топди” [2, 19-б.].

Маълумки, XI аср Қорахонийлар давлатининг энг ривожланган даври бўлиб, бу даврда илм-фан, маданият юксалди, халқаро алоқалар кўлами кенгайди. Турк олими Р.Генчнинг фикрича, қорахонийларнинг ҳукмдорлари расмий ҳаётида бошқа юртлардан келган элчиларни қабул қилиш ишлари асосий ўринда турган [3, 157-б.]. Ҳукмдорнинг бошқалар билан алоқалари, асосан, ҳожиб лавозими эгаси воситасида амалга оширилган. Ҳожибнинг яна бир асосий вазифаси бўлиб, у хорижлик элчиларнинг келиб-кетиши, қабул этилиши, белгиланган эҳсон, нафақа ва бошқа нарсалар билан таъминланиши, еб-ичиш масалаларини назорат қилиши керак бўлган. Элчиларнинг иши натижасига қараб, уларга ҳадялар берилиши ёки берилмаслигини ҳам ҳожиб белгилар эди. Шунингдек, элчиларни қабул қилиш маросимидаги ҳолатлар учун ҳам у жавобгар бўлган. Кўп ҳолатларда бу ишлар билан шуғулланган ҳожиб «улуғ ҳожиб» ёки «хос ҳожиб» («ҳукмдорнинг шахсий ҳожиби маъносида») деб аталган. Бошқа ҳожиблар эса унга бўйсунганлар [1, 71-б.].

Айнан шу даврда яшаб, ижод этган Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Қутадғу билик» асарида бу улкан давлатни бошқариш усуллари, юритиши лозим бўлган сиёсати, халқнинг ахлоқ-одоби масалаларини таҳлил қилиб берган.

Маълумки, муаллиф Боласоғунда таваллуд топиб, мазкур асарини эллик ёшида китоб ҳолига келтирган ва тахминан 1070 йилда Товғачхонга келтириб берган. Асарнинг улуғвор мақсадларини англаб етган хон, Юсуф Боласоғунийни ўз ўрдасида Хос Ҳожиблик-эшик оғаси лавозимига тайинлайди. Шу туфайли ҳам унинг исми тарихга Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғуний бўлиб кирган.

Юсуф Хос Ҳожиб асарининг элчилик масалаларига бағишланган алоҳида бобини “Ўғдулмиш элига элчи қилиб юборишга қандай киши керагини айтади” деб номлаган. Юсуф Хос Ҳожиб ушбу асарида элчиларни аввало алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ бўлган, мартабалари юқори инсонлар сифатида таърифлайди:

*“Тамоми кишилардан сараси элчи (бўлиши) керак,
Билимли, заковатли, жуда етук (бўлиши) керак*

*“Худонинг қуллари орасида энг сайланганлари,
Кишиларнинг яхшиси – элчилар бўлганлар,
Турли хил ишлар элчилар туфайлигина содир бўлади
Хайрли ишлар элчи туфайли содир бўлади” [2, 245-б.].*

Юқорида келтирилган сатрларда муаллиф элчиларнинг хайрли ишларга сабабчи эканларини қайд этиб, уларнинг ўз ақли, фаросати, илм ва одоби, қолаверса, муомаласи билан турли хил низоли масалаларни ҳал қила олишлари, уларга ечим топишлари мумкинлигини таъкидлайди. Ва аксинча, бу сифатларга эга бўлмаган элчилар давлатлар орасидаги муносабатларга путур етказиши мумкин. Дарҳақиқат, дипломатия тарихида ҳар икки ҳолат учун ҳам мисоллар етарлича топилади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асарида элчилар фаолиятини ёритилиши масалаларини ўрганган таниқли тарихчи олима Г.Аъзамова қайд этганидек: “Турли давлатлар ўртасида муҳим масалаларни ҳал қилиш, зиддиятли ҳолатларни бартараф этишда элчилар муҳим рол ўйнаганлар. Ўз давлатининг вакили, расмий шахс сифатида у ўзининг бутун маҳоратини ишга солиб, давлатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйишда элчидан сўзамоллик талаб қилинган. [5, 135-б.]. Бу ўринда ўрта аср манбаларида у «сўз маъноларининг зукко билимдони бўлиши» кераклиги, хусусан, «у сўзнинг ичини ҳам, ташини ҳам англай олмоғи, яъни сўзнинг оддий ва кўчма, ошкор ва яширин маъноларидан хабардор бўлмоғи шарт. Токи бу хусусият бузилган ишларни созлаш учун қўл келсин»[2, 245-б.].

Шу билан бирга, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асарида элчиларнинг муомаласи ва нотиклиги ҳам муҳим хислатлардан саналиши келтирилади:

*“Тили ширин ҳам(да) кўнгли очик (бўлиши) керак,
Сўзи ёқимли ҳам(да) жуда ақлли(бўлиши) керак.
Тили ширин киши ёқимли бўлади,
Сўзи ёқимли бўлса, кишининг иш(лар)и манзур бўлади,
Сўзи юмшоқ, шакардек ширин бўлса,
Ширин сўзга улуг ҳам, кичик ҳам юмшайди
Элчининг иши мутлоқ сўз(лар)дан иборат
(яъни сўзлар орқали битади),
Сўзи яхши бўлса, (у)тилагини топади” [2, 246-б.].*

Дарҳақиқат, давлат манфаатларини ҳимоя қилишда элчининг асосий курули сўз бўлиб, бу курулдан нақадар самарали фойдалана олиши кўп жихатдан унинг ақлу-фаросати ва илми билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, «Элчи кўзи тўқ, кўнгли бой бўлиб, феълидаги айб-нуқсонларни аритмоғи керак», - деб таъкидланади. Бундан келиб чиқиб, кўп ҳолларда элчиликка маънавий камолотга эришган, турли илмларга эга кишиларни тайинлашга ҳаракат қилишган. Буни Ўзбекистон халқларининг турли даврларида ҳукм сурган сулолалар, ҳукмдорлар томонидан бошқа давлатларга юборилган элчилар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Кўп ҳолларда Ўрта Осиёдан узоқ ва

яқин мамлакатларга юборилган элчилик миссиясига раҳбарлик қилган шахслар билимдон шахслар, жумладан, мусулмон руҳонийларидан тайинланган.

Ўзбекистон давлатчилигининг ҳамма даврларида элчининг ҳамма илм соҳаларидан хабардор бўлиши, кенг қамровли билимлар эгаси бўлишига алоҳида эътибор берганлар. [5, 136-б.]. Бу хусусда *«турли-туман фан асосларини ўргансин, айниқа, бадиий сўз сирларини яхши ўзлаштирсин. Агар шеърятни яхши хис этса, тушунса, бунинг устига ўзи шеърлар ҳам ёзса, нур устига нур бўлади. Астрономия, Ҳандаса, илдиз чиқариш, ер сатҳини ўлчаши, математика-геометрия илмларини элчи мукаммал билмоғи лозим»*, - деб қайд этилади. [2, 246-б.].

Элчилар ҳар томонлама комил бўлиши лозим бўлган. Элчилар эга бўлган хислатлар жумласига уларнинг муайян жисмоний тайёргарлик даражасини ҳам киритиш мумкин. Хусусан, уларнинг дадил бўлиши, *«чавгон ўйинига мохир, ёй тортишга қодир, қушчилик, овчилик сирларидан хабардор бўлиши»* ҳамда *«шахмат ва нард ўйинлари - элчининг фазилатини оширади.»*, - деб қайд этилади.

Юсуф Хос Ҳожиб бир давлат вакили сифатида бошқа юртга юборилган элчи шахсини ҳар жиҳатдан, шу жумладан, ташқи кўриниши кўркем, қаддди-қомати келишган бўлиши кераклигини ёзган:

*“Юз кўрки чиройли бўлиши керак ҳамда
бўйи (яъни қадди-қомати),
Келишган бўлса, қадди-қомати келишган
(киши) одамлар орасида яхши бўлади!”* [2, 246-б.].

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида амалга оширилаётган фаол ташқи сиёсатида диёримиз элчилари юртимиздаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий жабҳалардаги янгиланиш, ислоҳотлар ва Учинчи Ренессанс ғояларининг, шунингдек, дунёга очиқлик сиёсати моҳиятини ўзига хос ретронсляторлари бўлиб, халқлар ўртасида тинчликни ва ўзаро манфаатли алоқаларни таъминлашга ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқдалар.

1. Мамлакатимизни хорижий давлатлар билан алоқа олиб боровчи

муассасалар, чет мамлакатлардаги элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган ўқув масканларида жаҳон тарихи, халқаро муносабатлар, ташқи сиёсат ва дипломатия ҳақида ҳар томонлама тушунча бериш билан бир қаторда, кўп асрлар давомида шаклланган туркийларнинг ўзига хос дипломатия қоидалари, миллий давлатчилигимиз тарихида ишлаб чиқилган элчилик тизими билан Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик”, Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарларини ўрганиш асносида, мухтасар айтганда, Ўзбекистоннинг ўрта

асрлар тарихига оид манбаларининг кенг доирасини жалб этиш орқали таништирилиши мақсадга мувофиқдир..

2.Дипломатия тарихини ўрганишга бағишлан илмий тадқиқотлар ҳам талайгина. Бироқ, бу тадқиқотлар тор мутахассислар доирасигагина маълум бўлиб, уларни кенг китобхонлар эътиборига илмий-оммабоп мақолалар, рисоалар тарзида тақдим этиш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистон дипломатияси тарихи. VII жилд. – Тошкент: “Маънавият”, 2022.
2. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Тарихий очерк ва лавҳалар. Тошкент, 2003.
3. Genc R. Karahanli Devlet taskilati (XI.Yuzuil). Istanbul 1981.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билик”. - Тошкент. 1990.
5. Ўзбекистонда элчилик тарихидан: тадқиқ ва таҳлили. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами «Адабиёт учқунлари» Тошкент-2016.
6. Маннонов Б.С. Амир Темури дипломатияси // Шарқшунослик. № 7. - Тошкент. 1996.
7. Темури тузуклари / форс тилидан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси. - Тошкент. 1991.

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ АХЛОҚ ФАЛСАФАСИНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК МОҲИЯТИ (“Бахт” тушунчаси талқинида)



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15638833>

Хусанов Баходир Эргашевич

Наманган давлат педагогика институти доценти

Фалсафа бўйича фалсафа доктори (DSc)

Маълумки, инсонпарварлик ахлоқий тамойилларнинг энг қадимий ва энг муҳимларидан бири ҳисобланади.

Миллий ахлоқ фалсафамизга доир адабиётларда инсонпарварлик “инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини белгилайдиган ва барқарор этадиган ғоялар, қарашлар ва эътиқодлар мажмуи, шахс эрки, кадр-қиммати, унинг бахтли бўлиш ҳуқуқини талаб этиш имконининг мавжудлигига енгилмас ишонч” , деб тушунтирилади.³²³ Шунингдек, инсонпарварлик тамойилини дастлаб Оврўпа Уйғониш мутафаккирлари илгари сурганлар, деган қарашлар ҳам мавжуд.³²⁴ Аслида, инсонпарварлик даставвал Шарқда ўртага ташланган, инсонийлик, инсонпарварлик деган маънони билдирувчи «намлулу» сўзи бундан 3-4 минг йиллар аввалги Қадимги Сомир мих хатларида учрайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай илмда ва ҳунарда қандайдир мақсад бўлади; мана шу мақсад доимо қандайдир неъмат ҳосил қилишни кўзда тутди. Бирорта илм, бирорта ҳунар – ёмонлик келтириб чиқаришни кўзда тутмайди. Бироқ, ҳаётдаги барча неъматларни бирданига ўрганувчи фан ёки ҳунар йўқ. Ҳар бир фан ёки ҳунар ўзига тааллуқли неъматларни ўрганади. Нима учун? Чунки, ҳар бир мезон учун, масалан, нарса, ҳодисаларнинг моҳияти, сифати, миқдори, вақти, муносабати учун алоҳида неъматлар бор.

Юнон файласуфи Арасту ҳаёт неъматларини таснифлайди ва мазмунини ойдинлаштиради, булар: “қадрли”, “мақтовли”, “имконият берувчи” неъматлардир.³²⁵ Бироқ, “мукаммал” неъматлар ҳам борки, бошқа неъматлар ўша мақсад (неъмат)ларга эришиш учун хизмат қилади. Яъни, мукаммал неъмат шуки, биз унга эришганимизда бошқа нарсага эҳтиёж қолмайди. “Бахт” ана шундай мукаммал неъматлар сирасига киради. Зеро, бахтнинг мукаммал мақсад эканлиги шундаки, биз унга етишга доимо интиламиз, уни излаймиз. Арастунинг фикрича, олий неъматлар “мукаммал мақсад”, табиийки, мукаммал мақсад – бу бахт-саодатдир.

Маълумки, ҳар қандай фазилат ўзини намоён этган пайтдагина яхши амаллар ҳисобланади. Инчунун кўнгилдаги фазилатлар шарофати билан биз

³²³ Қаранг: Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. –Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2014. -196 б.

³²⁴ Қаранг: Разин А.В. Этика. Учебник. –Москва: Академический прокат, 2004. -97 с.

³²⁵ Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. –Тошкент”Янги аср авлоди”, 2011. –Б. 136-137.

гўзал яшаймиз. Гўзал ва фаровон яшаш эса – бахт саодатдир. Бахтли одам яхши яшаётган одамдир. Яхши, гўзал яшаш эса фазилатларга амал қилиб яшашдир. Инсон учун бахтли яшашдан мақсад ва олий неъмат ҳам мана шу ҳисобланади.

Шу маънода Юсуф Хос Хожибнинг буюк фалсафий меросида “бахт” тушунчаси муҳим ўрин эгаллайди ва бу айтиш мумкинки, бу фалсафа инсонпарварлик моҳиятига эга. Арастудан фарқли ўлароқ, Юсуф Хос Хожиб бахтни нисбий тушунча сифатида талқин этади. Яъни:

Учма бахт деб, сабр эт, неклик қил кунда,
Бил, бахт бугун бунда, эртага унда.³²⁶

Шунингдек, аллома талқинидаги бахт интилишнинг рўёбга чиқиши учун муайян тайёргарлик ва курашни тақозо этадиган ахлоқий ҳодиса. Шунинг учун инсон ўз ҳаёти маъносини қай даражада тушунгани ва шу маънодан умри мобайнида қониқиш ҳосил қилиб боришидан иборат бўлиб, ҳар бир инсонда қониқиш ҳисси ундаги мақсадларнинг такомилга етганидагина рўй беради. Фақат бу такомилга етиш жараёни бир умр давом этади. Бироқ, бахтни лаззат билан айнанлаштириш тўғри эмас. Лаззат онийлик хусусиятига эга, ўзини фақат жараёндагина намоён этадиган ҳодиса ва у моддий ҳаётдаги реал, аммо ўткинчи эҳтиёжлардан келиб чиқади. Яъни:

Бу бахтга ишонма, эй саодатманд,
Бахт келиб кетгувчи бир нарса, бебанд.³²⁷

Бахт эса маънавий эҳтиёж билан боғлиқ, унда мақсадларга бирин-кетин эриша бориш, қониқиш жараёни бир умр тўхтамайди ва доимо лаззат ва завқни ўз ичига олади. Бундан ташқари, бахт гарчанд, орзу каби идеалнинг ҳиссий-эҳтиросли шакли сифатида кўзга ташлансада, аслида ундан фарқли ўлароқ, шахснинг интилишини эмас, шу интилишнинг рўёбини англатади. Ҳар бир интилишнинг рўёбга чиқиши эса муайян тайёргарликни ва курашни тақозо этади.

Аллома “Қутадғу билиг”нинг “Ойтўлдиннинг ўғли Ўгдулмишга насихати баёнида” таъкидлайдики, дунёда жоҳиллик, жаҳолат, разолат кўпайса бахт камаяди, бу иллатлар ёшариб борса, бахт қариб боради. Шу боис бевафо дунёга алданиб қолмаслик керак: алданиш – бахтни йўқотишни бошланиши, алданганинг – бахтсиз бўлишинг аломатидир. Бундан кўринадики, бахтни тушуниш маълум тарихий шароитда миллат, шахс ва жамиятнинг тараққиёт даражасига қараб, турлича муайянлашиш хусусиятига эга. Яъни, идеал каби унинг ҳам табиати ўзгарувчан.

³²⁶ Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: “Akademnashr”2015. – 59 б.

³²⁷ ³²⁷ Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: “Akademnashr”2015. – 59 б.

Маълумки, Ахлоқ фалсафасида “бахт” категориясини ўрганадиган “Эвдеймонизм” деб аталадиган (юн. «eudaimonja» - бахт сўзидан олинган) йўналиш мавжуд. Бироқ, эвдемонизм бахтни жисмоний ва маънавий ҳузур, лаззат билан тенглаштирмайди, балки уни кенг маънода, барча жисмоний ва маънавий қадриятларнинг мажмуи тарзида тушунади. Бу таълимотга кўра, ўз шахсиятида ана шу қадриятларни мужассамлантира олган кишигина чинакам бахт-саодат соҳибидир, шундай бахтгина инсонга ҳақиқий лаззат, фароғат бахш этади.”³²⁸

Алломанинг бахт ҳақидаги фалсафий мушоҳадасидан шуни англаш мумкинки, бахт – инсонни шодликда яшаши учун кафолат, бахт туфайли шодлик барқарорлашади. Аммо, эвдемончилик йўналишидан фарқли ўлароқ, алломанинг бахт ҳақидаги қарашларида ахлоқийликнинг устувор жиҳатлари бўртиб кўзга ташланади. Яъни, алломанинг “бахти” турғун ва ҳаракатсиз эмас, балки интилиш, ўзгартириш ва ўзгаришни тақазо этади. Бу борада аллома “”кимлар бахтга яқин туришди, муродига етди, иши юришди” дейди.

Таҳлиллардан кўринадики, бахт ахлоқий тушунча бўлиши баробарида ўз моҳиятида умуминсоний қадриятни мужассам этади. Бироқ, бахтни утилитар манфаатдорлик, ғоявий-синфийлик нуқтаи назаридан сохталаштириш асло мумкин эмас.

³²⁸ Қаранг: Назаров Қиём. Жаҳон фалсафаси Қомуси.-Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” 2023, -544 б.

“SÖZ İLE YÖNETMEK: YUSUF HAS HÂCİP’İN KUTADGU BİLİG’İNDE İLETİŞİM AHLAKI VE TOPLUMSAL DÜZEN”



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15639220>

³²⁹Yunus Emre Ökmen

Özet

11. yüzyıl Türk-İslam düşüncesinin temel eserlerinden biri olan Kutadgu Bilig, yalnızca siyasal erdemler ya da yönetim felsefesiyle değil, aynı zamanda bir iletişim ahlâkı metni olarak da değerlendirilebilir. Yusuf Has Hâcîp, “söz”ün hem bireysel erdemi hem de kamusal düzeni sağlamak için nasıl kullanılması gerektiğine dair zengin bir içerik sunmaktadır. Bu bakımdan bu çalışma, Yusuf Has Hâcîp’in felsefi düşüncesi içinde “iletişim”in yeri, sözün ahlaki boyutu, doğru bilgilendirme, elçilik ve haber taşıma, yönetici-halk ilişkisi ve toplumun eğitilmesinde iletişimin rolüne odaklanarak iletişim perspektifinden analizler sunmaktadır.

Kutadgu Bilig’de geçen seçme beyitlerden hareketle, erken dönem Türk halklarının bilgi aktarımı, sözle yönlendirme ve kamusal düzen kurma pratiklerini ortaya koymayı amaçlamaktadır. Aynı zamanda bu iletişim anlayışının günümüz medya etiği ve kamusal iletişim ilkeleriyle olan benzerlikleri de karşılaştırmalı bir yaklaşımla ele alınmalıdır. Yusuf Has Hâcîp’in felsefi mirası bu bağlamda sadece tarihî değil, aynı zamanda çağdaş iletişim kuramları açısından da yeniden yorumlanmaya açıktır.

Günümüzün iletişim ve teknoloji çağı olduğu düşünüldüğünde medya ve iletişim araçlarına büyük sorumluluk düştüğü herkes tarafından bilinmekte, kabul edilmektedir. Ancak insanların ve toplumların yaşanan travmalar karşısında gün geçtikçe doğru bilgiyi, ahlak ve erdemi kaybetmeye başladığı da yadsınamaz bir gerçektir. Bu noktada insanların ve toplumların geleneksel metinlere, fîtrata ve öz kültüre ait olan değer ve tavsiyelere ihtiyacı bulunmaktadır. Bu bakımdan Kutadgu Bilig ve iletişim ahlâkı, medya etiği geleneksel metin ve değerler üzerinden yeniden ele alınmak istenmektedir.

Çalışma nitel araştırma yönteminin teknikleri göz önünde bulundurularak gerçekleştirilmiştir [1, s. 130]. Çalışma verileri literatürdeki yayınlardan ve Kutadgu Bilig eserinden içerik analizi yapılarak elde edilmiştir. Yıldırım ve Şimşek’e göre var olan durumun yorumlanması ve analiz edilmesi betimsel analizdir. Bu çalışmada elde edilen veriler iletişim ahlâkı ve medya etiği açısından yorumlanmış, betimsel analizi ortaya koyulmuştur [1, s. 130].

Çalışmanın problemi, Yusuf Has Hâcîp’in Kutadgu Bilig’inde söz söyleme sanatının, iletişim ahlâkının önem ve sınırlılıklarının ne olduğudur. Bu problem alanının tespitiyle geleneksel metinlerin iletişim ahlâkındaki yeri ve önemi ortaya koyulmak istenmekte, söz söyleme ve iletişimin geleneksel metinlerde ne kadar önemli yer kapladığının ortaya koyulması amaçlanmaktadır.

³²⁹ Türkiye Cumhuriyeti, Bolu Abant İzzet Baysal Üniversitesi, Akademisyen, Doç. Dr.

Anahtar sözcükler: Kutadgu Bilig, Yusuf has Hâcip, İletişim ahlakı, Medya etiği...

Abstract

Kutadgu Bilig, one of the fundamental works of 11th century Turkish-Islamic thought, can be evaluated not only as a text of political virtues or management philosophy, but also as a communication ethics. Yusuf Has Hâcip offers a rich content on how “speech” should be used to ensure both individual virtue and public order. In this respect, this study offers analyses from a communication perspective by focusing on the place of “communication” in Yusuf Has Hâcip’s philosophical thought, the moral dimension of speech, accurate information, ambassadorship and carrying of news, the relationship between the ruler and the people, and the role of communication in educating the society.

Based on selected couplets in Kutadgu Bilig, it aims to reveal the practices of knowledge transfer, verbal manipulation and public order establishment of the early Turkish peoples. At the same time, the similarities of this understanding of communication with today's media ethics and public communication principles should be addressed with a comparative approach. In this context, Yusuf Has Hâcip's philosophical legacy is open to reinterpretation not only in terms of history but also in terms of contemporary communication theories.

Considering that today is the age of communication and technology, it is known and accepted by everyone that media and communication tools have a great responsibility. However, it is an undeniable fact that people and societies are losing correct information, morality and virtue day by day in the face of the traumas they experience. At this point, people and societies need traditional texts, values and advice that belong to nature and original culture. In this respect, Kutadgu Bilig and communication ethics, media ethics are intended to be reconsidered through traditional texts and values.

The study was conducted by taking into account the techniques of qualitative research method [1, s. 130]. The study data were obtained by content analysis from publications in the literature and Kutadgu Bilig. According to Yıldırım and Şimşek, the interpretation and analysis of the existing situation is descriptive analysis. The data obtained in this study was interpreted in terms of communication ethics and media ethics, and its descriptive analysis was presented [1, s. 130].

The problem of the study is the importance and limitations of the art of speaking and communication ethics in Yusuf Has Hâcip's Kutadgu Bilig. By determining this problem area, it is aimed to reveal the place and importance of traditional texts in communication ethics, and to reveal how important place speaking and communication occupy in traditional texts.

Keywords: *Kutadgu Bilig, Yusuf has Hâcip, Communication ethics, Media ethics...*

Giriş

11. yüzyılın önemli düşünürlerinden Yusuf Has Hâcip tarafından kaleme alınan *Kutadgu Bilig*, Türk-İslam düşünce tarihinin ilk siyasetname örneklerinden biri olmasının yanı sıra, dil ve iletişim üzerine kurulu felsefi bir yapı da sunmaktadır. Bu eser, dönemin sosyo-politik yapısını yansıtmakla kalmayıp aynı zamanda sözün ahlaki gücünü, birey-toplum ilişkilerindeki rolünü ve iletişimle düzen tesis etme çabasını ortaya koymaktadır. Bu çalışma, *Kutadgu Bilig*'in iletişim ahlakı açısından yorumlanmasını amaçlamakta ve eserdeki söz, dil, haberleşme ve toplumsal yönlendirme kavramlarını günümüz iletişim kuramlarıyla karşılaştırmalı olarak incelemektedir.

Kutadgu Bilig'de iletişim doğrudan bir kavram olarak yer almasa da eserin bütününde “söz” merkezi bir role sahiptir. Söz, sadece bireyin kendini ifade etme aracı değil, aynı zamanda toplumu yönlendiren ve yöneticinin halkla ilişkisini kuran bir araç olarak sunulmaktadır. Yusuf Has Hâcip'in şu beyiti bu bağlamda önemlidir:

“Ağızdan çıkar söz, aklın aynasıdır;
İnsanı yüceltir yahut yere serer [2, s. 107].”

Bu yaklaşım, iletişimin sadece teknik bir aktarım süreci olmadığını; etik, felsefi ve toplumsal boyutları olduğunu da göstermektedir. Yusuf Has Hâcip'in söz anlayışı, günümüzde iletişim biliminde “anlam yaratma süreci” [3, s. 75-80] olarak tanımlanan kavramla örtüşmektedir. Bu bakımdan geleneksel metinlerin insan üzerinde o dönem için güçlü etkilerinin olduğunu söylemek mümkün. Bu metinlerin günümüzde aktif kullanılamaması ya da insanlar tarafından öneminin kavranamaması, önemli sorunlardan birisidir.

Yöntem

Bu çalışma, nitel araştırma yöntemi çerçevesinde yürütülmüş ve betimsel analiz tekniği kullanılarak yapılandırılmıştır. Nitel araştırmalar, sosyal olguları derinlemesine anlamayı ve yorumlamayı amaçlayan araştırmalardır [1, s. 39]. Bu bağlamda çalışmanın amacı, Yusuf Has Hâcip'in *Kutadgu Bilig* adlı eserinde yer alan iletişim anlayışını tarihsel, felsefi ve etik bir perspektifle incelemek olduğundan, nitel yöntem uygun bir çerçeve sunmuştur.

Veriler, hem birincil kaynak olan *Kutadgu Bilig*'den hem de ilgili literatürde yer alan akademik çalışmalardan elde edilmiştir. *Kutadgu Bilig*, edebi bir metin olmakla birlikte siyasal ve kültürel içerik taşıyan yapısı nedeniyle nitel veri kaynağı olarak değerlendirilmiştir. Literatür taraması kapsamında ise iletişim etiği, medya ahlakı, geleneksel düşünce sistemleri ve siyaset felsefesi konularında yayımlanmış akademik eserler incelenmiştir. Metinlerdeki kavramlar ve temalar belirlenerek anlamlandırılmış, böylece çalışmanın kavramsal temelleri oluşturulmuştur.

Toplanan veriler betimsel analiz yöntemiyle analiz edilmiştir. Betimsel analiz, mevcut bir durumu anlamlandırma ve yorumlama sürecidir; araştırmacının

önceden belirlenen temalar doğrultusunda verileri kategorize etmesine ve sistematik biçimde sunmasına olanak tanır [1, s. 130]. Bu çalışmada, Kutadgu Bilig’de geçen beyitler iletişimle ilgili belirli başlıklar altında gruplandırılmış ve bu gruplar medya etiği, kamusal iletişim ve yönetim teorileri ile karşılaştırmalı olarak analiz edilmiştir. Elde edilen bulgular, geleneksel metinlerin çağdaş iletişim anlayışına nasıl katkı sağlayabileceğini ortaya koymaktadır.

Çalışmanın problemi, Yusuf Has Hâcip’in Kutadgu Bilig’inde söz söyleme sanatının, iletişim ahlakının önem ve sınırlılıklarının ne olduğudur. Bu problem alanının tespitiyle geleneksel metinlerin iletişim ahlakındaki yeri ve önemi ortaya koyulmak istenmekte, söz söyleme ve iletişimin geleneksel metinlerde ne kadar önemli yer kapladığının ortaya koyulması amaçlanmaktadır

Sözün Ahlaki Boyutu ve İletişim Etiği

Yusuf Has Hâcip’e göre sözün ahlaki bir değeri vardır. İnsanlar arasındaki iletişimde kullanılan dil, adalet, doğruluk ve hikmetle bezenmelidir. Bu anlayış, modern iletişimin etik ilkeleriyle paralellik göstermektedir. Christians’a göre [4, s. 23] özellikle kamu görevlilerinin veya yöneticilerin halkla ilişkilerinde, dilin dikkatli kullanılması gerektiğini vurgulayan şu beyit konuyla bağlantılı olması sebebiyle anlamlıdır:

“Sözünü doğru söyle, işini doğru tut;
Söz işin başlangıcıdır, iyi sözle başla [2, s. 232].”

Bu bakış açısı, günümüzdeki medya profesyonellerinin etik sorumluluğu ile örtüşmektedir. Bu ve benzeri söylemlerle Yusuf Has Hâcip söz söyleyerek kurulan iletişim biçiminde devamlı doğruluğu, iyiliği, sağlamlığı ve güzelliği öğütlemektedir. Medya kanallarının çok sınırlı olduğu bu dönemde bu tür nasihat ve öğütler işe yaramakta, halk tarafından ciddiyle karşılanmaktadır. Ancak bu bakış açısının günümüzde önemini yitirdiği pek çok örnekte görülebilmektedir.

Kutadgu Bilig’de haber taşıyan kişiler de (elçiler) sıkça anılmaktadır. Bu kişiler güvenilirlik, dürüstlük ve sadakat gibi özelliklerle tanımlanmaktadır. Bu durum, günümüz gazetecilik ilkelerindeki “doğruluk”, “bağımsızlık” ve “kamu yararı” ilkeleriyle benzerlik taşımaktadır [5, s. 15]. Aşağıdaki beyitte bu anlayışın farklı örneği açıkça görülmektedir:

“Söz taşıyan elçi doğrulukla doluysa,
İşini doğru yapar, ülke huzur bulur [2, s. 226].”

Yusuf Has Hâcip’in bu yaklaşımı, erken dönem Türk toplumlarında bilginin dolaşımının sadece mekanik değil, aynı zamanda etik bir mesele olarak da görüldüğünü ortaya koymaktadır.

Eserde, yöneticilerin halka hitap ederken dikkatli olmaları, yalan söylememeleri, halkın gönlünü almaları gerektiği vurgulanmaktadır. Bu öğütler, siyasal iletişim açısından değerlendirildiğinde, halkla kurulan ilişkinin meşruiyet üretme ve toplumsal rıza sağlama açısından taşıdığı önemi ortaya koymaktadır. Yusuf Has Hâcip, adil bir yöneticinin sözünün ölçülü, tutarlı ve güven verici olması gerektiğini savunur. Bu durum, Habermas’ın kamusal alan kuramında öne çıkan “rasyonel iletişim” anlayışıyla örtüşmektedir [6, s. 27].

Yusuf Has Hâcip'e göre toplum düzeni yalnızca yasalarla değil, dilin doğru kullanımıyla da sağlanabilir. *Kutadgu Bilig*, bireyin önce kendisini, sonra toplumu düzene koymasının ancak söz ile mümkün olacağını savunmaktadır. Bu görüş, iletişimin toplumsal yapıyı inşa eden bir unsur olduğu yönündeki yapısalcı yaklaşımlarla [7, s. 13] örtüşmektedir. Şu beyitte bu düşünce açıkça dile getirilmektedir:

“Söz ile başlar her işin temeli;
Söz ile biter, olur ya güzeli [2, s. 423].”

Tartışma ve Sonuç

Yusuf Has Hâcip'in *Kutadgu Bilig*'i, iletişimin sadece bir araç değil, aynı zamanda ahlaki ve toplumsal bir sorumluluk alanı olduğunu vurgular. Eserdeki iletişim anlayışı, günümüz iletişim etiği, siyasal iletişim ve medya pratikleriyle karşılaştırıldığında, erken dönem Türk-İslam düşüncesinin bu alanlara dair güçlü bir miras sunduğu görülmektedir. Yusuf Has Hâcip'in söze yüklediği değer, çağdaş iletişim disiplinlerinin temel ilkeleriyle kesişmekte ve bu anlamda felsefi bir derinlik sunmaktadır.

Eserde sıkça tekrar eden temalardan biri, sözün ölçülü, doğru, tutarlı ve amaca uygun olması gerektiğidir. Bu özellikler, günümüz medya çalışanları için de geçerli olan temel etik normlardır. Özellikle kamuoyunu bilgilendirme görevi olan gazeteciler ve medya mensupları için *Kutadgu Bilig*'deki elçi betimlemeleri yol gösterici niteliktedir. Haber taşıyan kişilerde aranan doğruluk, güvenilirlik ve sadakat gibi erdemler, modern gazeteciliğin de temel ilkeleri arasında yer almaktadır. Bu anlamda Yusuf Has Hâcip'in sözle ilgili öğretileri, medya etiği bağlamında tarihsel bir referans noktası olarak değerlendirilebilir.

Habermas'ın kamusal alan kuramında vurguladığı “rasyonel iletişim” anlayışı ve Carey'nin iletişimi toplumsal yapının inşasında belirleyici bir unsur olarak gören yaklaşımı, *Kutadgu Bilig*'deki etik söylemle kavramsal bir paralellik göstermektedir. Toplumun düzeni yalnızca yasa ve yönetimle değil, aynı zamanda doğru ve bilinçli iletişimle sağlanabilir. Bu da iletişimcilerin sadece teknik değil, aynı zamanda etik sorumluluklar taşıyan bireyler olması gerektiğini gösterir. Yusuf Has Hâcip, dilin ve sözün bu yönünü erken dönemde fark etmiş ve sistematik biçimde ifade etmiştir.

Sonuç olarak, *Kutadgu Bilig*, sadece tarihsel bir metin değil; iletişim ahlakı, medya etiği ve söz söyleme sanatına dair köklü bir miras sunar. Bu miras, bugünün dijital iletişim ortamlarında etik sorunlarla boğuşan medya aktörleri için de önemli dersler barındırmaktadır. Yusuf Has Hâcip'in evrensel değerleri esas alan öğretileri, çağdaş iletişim çalışmalarında yerel ve kültürel temelli bir etik tartışmanın da önünü açmaktadır. Bu yönüyle *Kutadgu Bilig*, gelenekselin evrensele açılan kapılarından biridir.

Kaynakça

- [1] Yıldırım, A., & Şimşek, H. (2016). Sosyal Bilimlerde Araştırma Yöntemleri. Ankara: Seçkin Yayıncılık.
- [2] Yusuf Has Hâcip. (2019). Kutadgu Bilig, çev. Muzaffer Tunçel, Ankara: T.C. Gençlik ve Spor Bakanlığı Yayınları.
- [3] McQuail, D. (2010). McQuail's Mass Communication Theory (6th ed.). Sage Publications.
- [4] Christians, C. G., Fackler, M., Richardson, K. B., Kreshel, P. J., & Woods, R. H. (2016). Media Ethics: Cases and Moral Reasoning (10th ed.). Routledge.
- [5] Kovach, B., & Rosenstiel, T. (2011). The Elements of Journalism: What Newspeople Should Know and the Public Should Expect (3rd ed.). Three Rivers Press.
- [6] Habermas, J. (1989). The Structural Transformation of the Public Sphere. MIT Press.
- [7] Carey, J. W. (1989). Communication as Culture: Essays on Media and Society. Routledge.
- Kaynakça APA**
- Carey, J. W. (1989). *Communication as Culture: Essays on Media and Society*. Routledge.
- Christians, C. G., Fackler, M., Richardson, K. B., Kreshel, P. J., & Woods, R. H. (2016). *Media Ethics: Cases and Moral Reasoning* (10th ed.). Routledge.
- Habermas, J. (1989). *The Structural Transformation of the Public Sphere*. MIT Press.
- Kovach, B., & Rosenstiel, T. (2011). *The Elements of Journalism: What Newspeople Should Know and the Public Should Expect* (3rd ed.). Three Rivers Press.
- McQuail, D. (2010). *McQuail's Mass Communication Theory* (6th ed.). Sage Publications.
- Yıldırım, A. & Şimşek, H. (2016). Sosyal Bilimlerde Araştırma Yöntemleri. Ankara: Seçkin Yayıncılık.
- Yusuf Has Hâcip. (2008). *Kutadgu Bilig* (R. R. Arat, Ed. & Trans.). Türk Dil Kurumu Yayınları.

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОНДА ЎРГАНИЛИШИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15639241>

Асрор Мухамедов

Алфраганус университети

Ижтимоий фанлар факультети декани

фалсафа фанлари доктори, доцент

ORCID:

Ассалому алайкум ҳурматли анжуман иштирокчилари, қадрли меҳмонлар! Ушбу халқаро конференцияда Сизларни кўриб турганимдан беҳад хурсандман! Сизларга, таклифимизни қабул қилиб, анжуманимизга ташриф буюрганлигиниз учун ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдираман! Ушбу конференция ташкилотчиси сифатида фаолият юритаётганлигимдан жуда мамнунман.

Ҳар бир ўтказиладиган конференцияларнинг фан тараққиёти учун ҳиссаси жуда катта эканлиги шубҳасиздир. Ушбу конференциянинг шахсан мен учун аҳамияти нафақат ижтимоий фанлар тараққиётига ҳисса қўшиши билан, балки бир неча йиллардан буён мен орзу қилган бир воқеяликнинг рўёбга чиқиши билан ҳам қадри жуда баланддир. Сабаби 2004 йилда университетда эндигина ўқишни бошлаган йилларимда, нима мавзуда тадқиқот олиб борсам экан, деб кўп ўйландим. Ҳозирда ораларингизда ўтирган устозларим профессор Пўлатова Дилдора Акмаловна ва профессор Қосимжон Содиқовларнинг тавсияларига асосан “Юсуф Хос Ҳожибнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари” мавзусини тадқиқот номи қилиб олдим.

Қарийб 20 йилдан ортиқроқ вақт давомида, устозлар кўмагида дастлаб курс иши, кейинчалик битирув малакавий иши, магистрлик диссертациясини ушбу мавзуда ҳимоя қилдим. 2022 йилда устозларимнинг тавсияларига кўра фалсафа фанлари бўйича фалсафа докторлиги ва ниҳоят 2024 йил сўнггида фан докторлиги диссертацияларини ушбу мавзуда ҳимоя қилдим. Устозларимизнинг “агар тадқиқотчи ўз мавзусини яхши кўрса, ушбу мавзу унинг фарзанди каби қадрли бўлиб қолади”, деган фикрлари дастлаб менга ғалатиноқ эшитиларди.

Дастлабки йилларда баъзи олимларимиз Юсуф Хос Ҳожиб тилшунос, шоир бўлган, ундан фалсафани чиқара олмайсан, деган фикрларни ҳам айтишган. Ушбу фикрлардан ранжиб, бошқа мавзу танлайман, деган фикрлар ҳам келган. Лекин устозларимиз Дилдора Акмаловна Пўлатова, Мухаммаджон Қодиров, Қосимжон Содиқовлар, “... йўқ Юсуф Хос Ҳожиб ҳақиқий файласуф, чунки унинг “Қутадғу-билиг” асари Қорахонийлар давлатининг Маънавий Конституцияси бўлган”, ҳамма фалсафа айнан шу асарда деб, мени илҳомлантиришди.

Шу йиллар давомида албатта Юсуф Хос Ҳожиб илмий мероси бўйича халқаро конференция ташкил этаман, деган ниятни кўнглимда тутиб юргандим. Ўтган йили шу ниятни амалга ошириш учун имконият пайдо бўлди. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, шу ташаббусни қўллаб қувватлаган Алфраганус университети ректори Маҳмудов Муҳаммадисмоил Муҳитдиновичга ўзимнинг алоҳида миннатдорчилигимни билдиришга рухсат бергайсизлар. Бундан ташқари университет таъсисчиларига ва албатта ушбу таклифни қўллаб, 2024 йилнинг 27 декабрида 490-сонли буйруқ билан тасдиқлаб берган Олий таълим, фан ва инновациялар вазири ҳурматли Конгиратбай Аvezимбетович Шариповга ўз миннатдорчилигимни билдиришга рухсат бергайсизлар!

Жаҳонда маънавий тараққиётни таъминлашда буюк алломалар томонидан яратилган фалсафий меросни ўрганиш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Минг йиллар аввал кўтарилган ижтимоий муаммолар ва уларнинг ечимига доир Шарқ ва Ғарб алломаларининг концепциялари бугунги кунда ҳам ўзининг илмий аҳамиятини йўқотмаган.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда жадал илгари сурилаётган Учинчи Ренессанс ғояси кўп жиҳатлари билан қадимдан давом этиб келаётган миллий ва маънавий қадриятларимизга тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам ана шу даврда олиб борилган Шарқ Ренессанси даври алломаларининг илмий-фалсафий меросини ўрганиш борасидаги тадқиқотларни кўпайтириш, улардан олинган илмий натижаларни кенг жамоатчиликка етказиш, Учинчи ренессанснинг маънавий пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу маънода Юсуф Хос Ҳожиб илмий меросини ўрганиш, ундан ҳозирги глобаллашиб бораётган жамиятимиздаги маънавий, ахлоқий муаммоларнинг ечимини топишда фойдаланиш ўта долзарб аҳамият касб этади.

Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Ўзбекистон Учинчи Ренессанс деб аталаётган ижтимоий маънавий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Инсоният тарихи шундан далолат берадики, ҳар қайси халқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтаради. Бундай ноёб ҳодиса “Ренессанс” уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш деб аталиши барчамизга аён”³³⁰.

Манбаларда таъкидланишича, Юсуф Хос Ҳожиб 1021-йилда Еттисув ўлкасида Кўз Ўрду яъни Боласоғун шаҳрида таваллуд топган. Боласоғун бугунги кунда Қирғизистон Республикасининг пойтахти Бишкекдан 150-200 км узоқликда жойлашган. Юсуф Хос Ҳожиб туғилган даврларда Туркистон ўлкаси Қорахонийлар тасарруфида бўлган. Юсуф Хос Ҳожибнинг исми Юсуф бўлиб, унинг вафот этган йили келтирилмаган. Юсуф Хос Ҳожиб буюк шоир, давлат арбобидир. У ўз замонасининг асосий илмларининг

³³⁰ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Тошкент: Ўқитувчи, 2021. – 10 б.

барчасини мукаммал ўрганган. Араб ва форс тилларида мукаммал сўзлаша олган. Унинг “Қутадғу билиг” асари нафақат унинг ўз замонасида, балки бизнинг замонамизда ҳам жуда машҳур асар ҳисобланади.

Юсуф Хос Ҳожиб буюк мутафаккир, файласуф, шоир, шу билан биргаликда, давлат арбоби ҳам бўлган. У ўз асарида ҳукукий, сиёсий, фалсафий, ижтимоий масалаларга ечим бериш қонун-қоидаларини олиб чиққан. Адиб ўз асарида оламнинг яратилиши бу фақат Аллоҳдандир, деб ёритган. “Аллоҳ ўзининг иродаси билан ердаги барча мавжудотни, кўкда айланувчи фалак гардишини яратди”³³¹, - деб изоҳлайди.

Юсуф Хос Ҳожиб туркий дидактика йўналишини энг баланд босқичга олиб чиққан буюк шахс ҳисобланади. Олим ҳақида ма’лумотлар жуда кам.

“Қутадғу билиг” асари ўз замонаси учун катта бир моҳиятда ахлоқ, яъни ўз даврининг қонун-қоидалари умумлашуви сифатида намоён бўлган. Ўзлигини ҳурмат қилган раҳбарлар асарда ёзилган қонунларга амал қилишга ҳаракат қилишган ва бу ўз навбатида ўша мамлакатнинг бошқа давлатлар билан ҳам алоқаларини сифатли ва барқарор бўлишига катта ёрдам берган.

“Қутадғу билиг” асари бугунги кунгача кўплаб турколог олимлар, файласуфлар, филологлар, тарихчилар ҳамда шарқшунос олимлар томонидан ўрганилган. Буюк асарга бўлган қизиқиш жадиждларнинг вакиллари билан бўлмиш Фитратни ҳам безътибор қолдирмаган. Буюк жадиждларимиздан бири бўлмиш Абдурауф Фитратнинг амалга оширган тадқиқи қатағон сиёсати туфайли жамият эътиборидан четда қолиб кетган. Вақтлар ўтиб, Қ.Каримов орқали Фитратнинг хизматлари тан олиниб, “...Фитратнинг исмини ва асрини тилга олиш туфайли ўша вақтда у сўроқ қилиниб, анча қийноқларга учрагани ҳаммага маълумдир”. Шулар қаторида манбашунос, шарқшунос олим Қ.Содиқов “Қутадғу билиг”нинг уйғур ёзувли “Ҳирот нусхаси” деб номланган илмий тадқиқотини эълон қилди. Ушбу тадқиқотда асарнинг кечикиб нусхаланган кўриниши ва унинг ўзига хосликлари борасида сўз юритилади.

Тилшунос олим Қ.Омонов “Асар отида келган “қут” сўзи тўғрисида” деб номланган мақоласида ўзбек тилига таржима қилишда энг кўп муқобилларига эга сўзнинг асл маъноси ҳақида муаллифлик позициясини маълум қилади ³³². Шунингдек, ўзбек олимларидан А.Рустамов, Ғ.Абдурахмонов, С.Муталибов, Б.Тўхлиев кабилар асар ҳақидаги қатор илмий изланишларини чоп эттирган³³³.

“Қутадғу билиг” туркий оламдаги илк ёзилган бадий асарлардан бири бўлганлиги сабабли, асар турк олимларнинг ҳам эътиборидан четда қолгани йўқ. Улардан бири йирик турколог олим Рашид Раҳмати Аратдир. У асарни кўп ўрганган олимлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, А.Дилачар,

³³¹ Каримов Қ. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”. – Тошкент: Фан, 1971. – 48 б.

³³² Омонов Қ. Асар отида келган “қут” сўзи тўғрисида // “Қутадғу билиг” – буюк маънавий мерос. Илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2010. – Б. 76–82.

³³³ Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. (Nashrga tayyorlovchi G‘. Abdurahmonov.) –T.: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010. – 240 b.

К.Эраслан, О.Ф.Серткая, А.Б.Эржиласун, И.Кафесўғлу, Н.Кулекчи, Е.Ушенмез, К.Явуз каби олимлар асарнинг матншунослик, тилшунослик ва бадиият масалалари хусусида баҳс юритганлар.

Асар нафақат Осиё, балки бутун жаҳон адабиёти олимларининг ҳам кизиқишларидан четда қолмаган. Мисол учун европалик шарқшунос олимлар А.Жауберт, Ҳ.Вамбери, В.Бартолд, В.Григорев, В.Радлов, А.Кононов, С.Малов, П.Жузе, О.Прицак, А.Шчербак, Е.Тенишев, И.Стеблевалар томонидан жуда қизиқарли тадқиқотлар амалга оширилган ва замонавий фанга дастлабкилардан бўлиб асар ҳақида маълумот берганлар.

Охирги пайтларда бутун жаҳонда Юсуф Хос Ҳожибнинг меросини ўрганишга қаратилган ишлар кўпаймоқда. Аксарият олимлар “Юсуф Хос Ҳожибнинг асари туркий тилда яратилган дастлабки асардир”, - дейишади. Аммо биз ушбу сўзларга қўшилмаймиз. Чунки, бу асаргача ҳам бошқа туркий дostonлар бўлиши шубҳасиз. Мамлакатлардаги кўнгилсизликлар, араблар фатҳи ва бошқа босқинчиларнинг давлатимиз ҳудудига кириб келиши нафақат маданий ёдгорликлар, балки шундай ноёб асарларимизнинг ҳам бизгача етиб келишига тўсқинлик қилган. Ушбу воқеалардан келиб чиқиб, “Қутадғу билиг” асарини ягона туркий асар эмас, балки бизгача етиб келган ilk туркий асар дейиш тарафдоримиз.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида “Таълимда бундай дейилган”, “Шоир бундай дейди”, сингари ўз мулоҳазаларининг далили учун исботлар келтириб ўтади. Демак, бу сўзлардан келиб чиқиб, унинг асаригача ҳам бошқа туркий асарлар бўлганлигини билишимиз мумкин. Буюк мутафаккир ўзининг улуғ асарини яратиш давомида ўз асрининг илм-фанидан, маданиятидан, маърифатидан, адабиётидан ҳамда халқ оғзаки ижодидан усталик билан фойдаланган. Ҳаммасидан ташқари, араб-форс адабиётининг улуғ олим-мутафаккирлари ёзиб қолдирган асарлар ҳам олимнинг ҳаёти ва ижодига таъсир ўтказмасдан қолмаган. Айниқса унинг буюк олим Фирдавсийнинг ижодини яхши кўргани аниқ сезилиб туради. Чунки “Шоҳнома” асарида дуч келган қахрамонларга “Қутадғу билиг”да ҳам дуч келишимиз мумкин. Бу тўғрисида Қ.Каримов ўзининг “Юсуф Хос Ҳожиб ва “Шоҳнома” номли мақоласини эълон қилган³³⁴.

Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарида ҳам “Қутадғу билиг” асарининг ғояларини учратишимиз мумкин.

Туркий файласуф олим Р.Р.Арат келтирган маълумотлардан шуни биламизки, Юсуф Хос Ҳожибнинг ёши асарни тамомлаган пайтида 54да бўлган. Асар ўша даврнинг ҳукмдори Қорахоний хони Табғоч Улуғ Буғро Қорахонга ҳадя етилган. “Қутадғу билиг” асари Буғро Қорахонга жуда ҳам маъқул бўлади.

³³⁴ Қаранг: Каримов Қ. “Юсуф Хос Ҳожиб ва “Шоҳнома” // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент. 1965, – № 8. – Б. 58-62.

Асарнинг бош қаҳрамонлари: Кунтуғди – “Элиг” (хукмдор), Ойтўлди – вазир, Ўгдулмиш – вазирнинг ўғли, Ўзгурмиш – вазирнинг қариндоши. Асар ушбу тўрт қаҳрамон суҳбатлари асосида барпо этилган.

Асар қандай топилганлиги ва сақланганлиги ҳолатларига кўра номланган. Асарнинг илк нусхаси Ҳасан Қори Сойил Шамс томонидан 1439-йил Ҳиротда уйғур тилида нусхаланган. Орадан вақтлар ўтиб, у истанбуллик Абдурахмон Бахши исмли киши қўлига келиб тушган. Манбаларда қайд этилишича, китоб Истанбулдан Венага XIX аср ўрталарида келтирилади. Ушбу манбалар сабаб асарнинг бу илк нусхаси “Вена нусха” деб юритилади. Асар Вена шаҳри кутубхоналаридан бирида сақланмоқда. 1823-йилга келиб, “Қутадғу билиг” асари ҳақида Франциянинг шарқшунос олими Жуберт Амед ўз мақоласи орқали чоп этади. Бу асар ҳақида оммавий ахборот воситаларида чиққан илк мақола эди.

“Қутадғу билиг”нинг “Вена нусхаси” вақтлар ўтиб, венгриялик шарқшунос олим Ҳерман Вемберини қизиқтириб қолади ва у уни ўрганади. Тилнинг ўлиқлиги асарнинг матн кўринишидаги ишларини кўп йилларга чўзиб юборади. Вемберининг кўп ва машаққатли тадқиқотлари ўз самарасини беришни бошлашига 20 йил вақт кетади. Ниҳоят, у ўз меҳнатини 1890-йилда “Қадимги уйғур ёдномалари ва “Қутадғу билиг” номи остида чоп этади³³⁵. Қолаверса, асардан баъзи бир қисмларини ҳам эълон қилишга эришади.

“Қутадғу билиг” асарининг иккинчи нусхаси орадан 196 йил ўтиб, Қоҳирада топилган. “Қоҳира Нусхаси”дан рус олимлари фото нусха қилиб олишган. Ушбу нусха Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳозиргача сақланиб келинмоқда.

Ушбу асарнинг “Наманган нусхаси” ҳам мавжуд бўлиб, асар тарихи 1913-йилга шарқшунос олим Вализодага тақалади. Вализода 1913-йили Қўқонга боради ва у ерда Муҳаммад ҳожи Эшон Лолареш исмли кишида асарнинг нусхаси борлигини хабарини топади. Ушбу маълумотларни 1914-йилги хизмат ёзишмаларида учратишимиз мумкин. Орадан вақт ўтиб, Наманганда Абдурауф Фитратнинг мақоласида ушбу асар “Бахтликланиш билими” деб номланган. Аммо катағон сиёсати туфайли, бу мақолалар кейинги йилларда омма эътиборидан четда қолиб кетади.

Кўп инсонлар асарни фақатгина насиҳатлар сифатида ёзилган деб билади. Аммо ушбу асар нафақат ўз замонаси, балки бугунги замонамизнинг ҳам фалсафий масалалар йиғиндиси. “Қутадғу билиг” асарини Биринчи Ренессанс асрининг исломий-туркий йўналишида ёзилган илк асар десак, адашмаган бўламиз.

³³⁵ Бердалиев А. О рукописных списках «Кутадгу билиг» и о первых их исследователях / Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу Билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 114.

Ушбу асардан улкан мероснинг яна бир жиҳати шуки, ақл, ишонч, илм инсоннинг қабоҳат ҳамда залолатдан чиқишидаги асосий йўл сифатида талқин этилади. Шу боисдан Юсуф Хос Ҳожибнинг асарига бўлган қизиқишлар, мана орадан қарийб 1000 йил ўтган бўлса-да, ҳамон тўхтагани йўқ. Бу ва бошқа асарлар бизга Учинчи Ренессанснинг маънавий устунларини қуришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

“Қутадғу билиг” асари нафақат турк дунёсида, балки Ўзбекистонда ҳам кўплаб тилшунос ва адабиётшунос олимлар томонидан ўрганилган. Жаҳон миқёсида бу асар туркологлар, фалсафий тадқиқотчилар ва адабиётшунослар томонидан ўрганилган. Лекин, бу асар фалсафий томондан ҳали тўлиқ ўрганилмаган.

Юсуф Хос Ҳожиб илмий мероси туркий халқларнинг тарихий ва маданий мероси сифатида жуда ҳам қадрли манбаа бўлиб хизмат қилади. Уни ўрганиш ва келажак авлодга етказиш, бугунги фанимиз, фалсафамизнинг долзаб масалаларидан бири бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Тошкент: Ўқитувчи, 2021.
2. Каримов Қ. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”. – Тошкент: Фан, 1971.
3. Омонов Қ. Асар отида келган “қут” сўзи тўғрисида // “Қутадғу билиг” – буюк маънавий мерос. Илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2010.
4. Yusuf Xos Hojib. Qutadg'u bilig. (Nashrga tayyorlovchi G'. Abdurahmonov.) –Т.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010.
5. Каримов Қ. “Юсуф Хос Ҳожиб ва “Шоҳнома” // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент. 1965, – № 8.
6. Бердалиев А. О рукописных списках «Кутадгу билиг» и о первых их исследователях / Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу Билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020.
7. Муҳамедов А.А. Юсуф Хос Ҳожиб илмий меросининг ижтимоий-фалсафий таҳлили // Монография. – Тошкент: Олтин Қалам нашриёти, 2023. – В.155.
8. Муҳамедов А.А. Yusuf Has Hacib'in bilimsel mirasinin sosyo-felsefi analizi // Monografi. – Истанбул: Найзен Китаб, 2024. – П. 218.
9. Муҳамедов А.А. Юсуф Хос Ҳожиб ва Мишел Монтен ахлоқий қарашларининг компаративистикаси // Монография. – Тошкент: Олтин Қалам нашриёти, 2024. – В.198.
10. Муҳамедов А.А. Маънавий тараққиётнинг ҳозирги босқичида Юсуф Хос Ҳожиб маънавий меросига эҳтиёж // Тафаккур манзиллари. Илмий-услубий журнал. 7-сон 1-жилд, 2023. – Б. 78-83.(09.00.00; №20)

YUSUF HAS HACIB'IN BİLİMSEL MİRASININ DÜNYADA VE ÖZBEKİSTAN'DA İNCELENMESİ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15639270>

Doç.Dr. Asror Muhamedov
Alfraganus Üniversitesi
Sosyal Bilimler Fakültesi Dekanı

Esselamü aleyküm, sempozyumumuzun değerli katılımcıları, kıymetli misafirler! Sizleri bu uluslararası sempozyumda görmekten büyük bir mutluluk duyduk! Davetimizi kabul edip sempozyuma katıldığınız için size en derin şükranlarımı sunuyorum! Bu sempozyumun düzenleyicisi olarak çalışmaktan büyük bir şeref duyduğumu ifade etmek isterim.

Her sempozyumun, bilimin ilerlemesine önemli katkı sağladığına şüphe yok. Bu sempozyumun benim için kişisel önemi, yalnızca sosyal bilimlerin gelişmesine katkı sağlaması açısından değil, aynı zamanda yıllardır hayalini kurduğum bir durumun gerçeğe dönüşmesi açısından da çok büyüktür. Sebebi şu ki, 2004 yılında lisans eğitimine ilk başladığımda ileride bitirme tezi olarak hangi konuya çalışacağımı çok düşündüm. Mevcut hocalarım Prof. Dr. Polatova Dildora Akmalovna ve Prof. Dr. Kasımcı Sadıkov'un önerileri doğrultusunda araştırma konumuzun başlığını "Yusuf Has Hacib'in sosyo-felsefi görüşleri" olarak seçtik.

Yaklaşık 20 yıldır üstadlarımın yardımıyla seminer ödevini, ardından bitirme tezini ve bu konu üzerine hazırladığım yüksek lisans tezini savundum. 2022 yılında hocalarımla tavsiyeleri üzerine Felsefe alanında adaylık Doktora tezimi savundum ve nihayet 2024 yılı sonunda bu konuda Bilim Doktoru unvanını elde ettim. İlk başlarda hocalarımızın, "Bir araştırmacı konusunu severse, konusu onun çocuğu kadar değerli olur" düşüncesi bana tuhaf gelmişti.

Hatta ilk yıllarda bazı kişiler Yusuf Has Hacib'in dilci ve şair olduğu, kendisinden felsefe çıkarılamayacağı görüşünü bile ileri sürmüşlerdi. Bu düşüncelerden rahatsız oldum ve başka bir konu seçmeyi düşündüm. Fakat hocalarımız Dildora Akmalovna Pulatova, Muhammedcan Kadirov ve Kasımcı Sadıkov, "... hayır, Yusuf Has Hacib gerçek bir filozoftur, çünkü onun *Kutadgu Bilig* adlı eseri Karahanlılar Devletinin Manevi Anayasası'dır, bütün felsefe aynen bu eserdedir " diyerek bana ilham verdiler.

Yıllardır Yusuf Has Hacib'in bilimsel mirasına ilişkin uluslararası bir sempozyum düzenleme niyetini taşıyordum. Geçtiğimiz yıl bu niyetimizi gerçekleştirme fırsatı doğdu. Bu vesileyle bu girişimlere destek veren Alfraganus Üniversitesinin Rektörü Sayın Muhammedismail Mahmudov Muhitdinoviç'e özellikle şükranlarımı sunmak istiyorum. Ayrıca, üniversitemizin mütevelli heyetine ve tabii ki bu teklifi destekleyen ve 27 Aralık 2024 tarih 490 sayılı kararnameyle onaylayan Yükseköğretim, Bilim ve İnovasyon Bakanı Kongiratbay Avezimbetovich Şaripov'a teşekkür ederim!

Dünyada manevi gelişimin sağlanmasında büyük bilim adamlarının yarattığı felsefi mirasın incelenmesi konusu giderek daha da önemli hale gelmektedir. Binlerce yıl önce ortaya çıkan toplumsal sorunlar ve bunların çözümüne ilişkin Doğu ve Batılı bilim insanlarının ortaya koydukları kavramlar, bugün de bilimsel önemini yitirmemiştir.

Bugün Yeni Özbekistan'da gerçekleştirilmeye gayret edilen Üçüncü Rönesans düşüncesi, birçok bakımdan uzun zamandan beri süregelen milli ve manevi değerlerimizle ilişkilidir. Dolayısıyla, bu dönemde Doğu Rönesansı bilim adamlarının bilimsel ve felsefi mirasına ilişkin araştırmaların artırılması ve bilimsel sonuçlarının geniş toplum kesimlerine duyurulması, Üçüncü Rönesans'ın manevi temelini güçlendirilmesine hizmet edecektir. Bu anlamda Yusuf Has Hacib'in bilimsel mirasının incelenmesi ve küreselleşen günümüz toplumunda manevi ve ahlaki sorunlara çözüm bulunmasında kullanılması son derece önemlidir.

Muhterem Cumhurbaşkanımız Şevket Miramanoviç Mirziyoyev, "Özbekistan, Üçüncü Rönesans adı verilen yeni bir sosyo-manevi gelişim aşamasına giriyor. İnsanlık tarihi, herhangi bir halkın hayatındaki manevi uyanış süreçlerinin ulusal kimliğin oluşmasına yol açtığını ve ülkenin ekonomik ve kültürel gelişimini yeni bir düzeye taşıdığını göstermektedir. Böylesine benzersiz bir olgunun "Rönesans" - uyanış, canlanma ve yükseliş - olarak adlandırıldığı herkesçe bilinmektedir."³³⁶

Kimi kaynaklara göre Yusuf Has Hacib, 1021 yılında Yedisu bölgesindeki Kuz Ordu yani Balasagun şehrinde doğmuştur. Balasagun, bugün Kırgızistan Cumhuriyeti'nin başkenti Bişkek'e 150-200 km uzaklıkta yer almaktadır. Yusuf Has Hacib doğduğunda Türkistan toprakları Karahanlılar'ın yönetimi altındaydı. Has Hacib onun görevinden dolayı verilmiş ise kendi adı Yusuf'tur. Ölüm tarihi de kesin değildir. Yusuf Has Hacib büyük bir şair ve devlet adamıdır. Zamanının bütün temel ilimlerini mükemmel bir şekilde öğrenmiş, Arapça ve Farsça'yı çok iyi hakim olmuştur. *Kutadgu Bilig* adlı eseri yalnız kendi döneminde değil, günümüzde de çok meşhur bir eserdir.

Yusuf Has Hacib büyük bir düşünür, filozof, şair ve aynı zamanda bir devlet adamıydı. Eserinde hukuki, siyasi, felsefi ve sosyal sorunların çözümüne ilişkin kural ve ilkeleri ortaya koymuştur. Yazar eserinde dünyanın yaratılışının yalnızca Allah'tan olduğunu vurgulamıştır. " Allah kendi iradesiyle yeryüzünde yaşayan bütün canlıları ve gökyüzünde dönen çarkifeleği yaratmıştır" diye kaydeder.³³⁷

Yusuf Has Hacib, Türk didaktiğini çok üst seviyeye taşımış büyük bir şahsiyet olarak kabul edilir. Onun hayatı hakkında çok az bilgi bulunmaktadır.

Kutadgu Bilig adlı eser, döneminin büyük bir ahlak eseri olup, dönemin yasa ve nizamlarının genelleştirilmiş bir özetidir. Kendine saygısı olan yöneticiler eserde yazılı olanlara okuyarak uymaya çalışmışlar, bu da o ülkenin istikrarına ve diğer devletlerle olan ilişkilere büyük katkı sağlamıştır.

³³⁶ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмокда. – Тошкент: Ўқитувчи, 2021. – 10 б.

³³⁷ Каримов Қ. Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг". – Тошкент: Фан, 1971. – 48 б.

Bugüne kadar *Kutadgu Bilig* birçok Türkolog, filozof, filolog, tarihçi ve oryantalist tarafından incelenmiştir. Bu esere ilgi duyanlar arasında Ceditçilerin temsilcilerinden Fıtrat da vardı. Cedit ecdatlarımızdan Abdurauf Fıtrat'ın yaptığı araştırma, baskı politikası nedeniyle kamuoyunun dikkatinden uzak kalmıştır. Zamanla Fıtrat'ın hizmetleri Kayum Kerimov aracılığıyla fark edilmiş ve "...o dönemde Fıtrat'ın adını ve çalışmasını zikrettiği için sorguya çekildiği ve ağır işkencelere maruz kaldığı iyi bilinmektedir." Bunun dışında metinbilimci ve şarkşinas bilim adamı Kasımcan Sadıkov, Uygur yazısıyla yazılmış *Kutadgu Bilig*in "Herat Nüshası" adıyla bilimsel bir çalışma yayımlamıştır. Bu çalışmada eserin geç istinsahnın ortaya çıkışı ve özellikleri ele alınmaktadır.

Dilbilimci Kudrettulah Amanov, "Eserin adındaki 'kut' sözcüğü hakkında" başlıklı makalesinde, Özbekçeye çevrildiğinde en fazla alternatifini bulunan sözcüğün gerçek anlamı hakkındaki görüşlerini dile getirmektedir. Ayrıca Alibek Rustamov, Gani Abdurahmanov, Salih Mutalibov ve Bakıcan Tohliyev gibi Özbek bilim adamları da eser hakkında bir dizi bilimsel çalışma yayımlamışlardır³³⁸.

Türk dünyasında yazılmış ilk eserlerden biri olması nedeniyle *Kutadgu Bilig* Türkiye türkologlarının da dikkatinden kaçmamıştır. Bunlardan biri de büyük Türkolog Reşit Rahmeti Arat'tır. Eseri en çok inceleyen bilim adamlarındandır. Ayrıca Agop Dilaçar, Kemal Eraslan, Osman Fikri Sertkaya, Ahmet Bican Ercilasun, İbrahim Kafesoglu, Numan Külekçi, Kemal Yavuz gibi bilim insanları da eserin metinsel, dilsel ve sanatsal yönlerini tartışmışlardır.

Eser yalnızca Asya'da değil, dünya edebiyatı araştırmacılarının da ilgisini çekmiştir. Örneğin Avrupalı müsteşriklerden A. Jaubert, H. Vambery, V. Barthold, V. Grigorev, V. Radloff, A. Kononov, S. Malov, P. Zhuze, O. Pritsak, A. Şçerbak, E. Tenişev, I. Stebleva gibiler dikkat çekici araştırmalar yapmışlar ve eser ile ilgili modern bilime katkı sağlayan ilk kişiler arasında yer almışlardır.

Son dönemde Yusuf Has Hacib'in mirasını araştırmaya yönelik çalışmalar dünya çapında giderek artmaktadır. Araştırmacıların çoğu, "Yusuf Has Hacib'in eseri, türünün Türkçe yazılmış ilk eseridir." demektedirler. Ama biz bu sözlere katılamıyoruz. Zira bu eserden önce de şüphesiz başka Türk destanları yazılmış olmalıdır. Türk dünyasının yaşadığı kargaşalar, fetih hareketleri ve çeşitli işgalcilerin ülkemiz topraklarına girmesi, sadece kültürel anıtların değil, aynı zamanda bu tür özgün eserlerin de bize ulaşmasını engellemiştir. Bu olaylara dayanarak *Kutadgu Bilig* 'in tek Türkçe eser olmayıp, günümüze ulaşan ilk Türkçe eser olduğunu ifade etmek daha doğru olacağını düşünüyoruz.

Yusuf Has Hacib, "Talimde şöyle söylenir" ve "Şair şöyle der" diye kendi görüşlerini atasözleri, genel kanaat ve başkalarının sözleriyle de delillendirmeye çalışır. Dolayısıyla bu sözlerden, onun eserinden önce başka Türkçe eserlerin de olduğunu anlayabiliriz. Bir düşünür olarak büyük eserini yazarken döneminin bilimini, kültürünü, aydınlanmasını, edebiyatını ve halk edebiyatı ürünlerini ustalıkla kullanmıştır. Ayrıca Arap-Fars edebiyatının büyük âlim ve düşünürlerinin

³³⁸ Yusuf Xos Hojib. Qutadg'u bilig. (Nashrga tayyorlovchi G'. Abdurahmonov.) –T.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010. – 240 b.

yazdıkları eserler de onun hayatı ve sanat hayatı üzerinde tesirsiz kalmamıştır. Özellikle onun Firdevsî'nin eserlerini çok sevdiği anlaşılmaktadır. Çünkü *Şahname*'deki karakterlere *Kutadgu Bilig*'de de rastlıyoruz. Bu konuda Kayum Kerimov, Yusuf Has Hacib ve *Şahname* başlıklı makalesini de yayımlamıştır³³⁹.

Kutadgu Bilig eserine yansıyan fikirlere Yükneklî Edib Ahmed'in *Hibetü'l-Hakayık* adlı eserinde de rastlamak mümkündür.

Türk bilim adamı Reşit Rahmeti Arat'ın verdiği bilgilerden Yusuf Has Hacib'in eseri bitirdiğinde 54 yaşında olduğunu öğreniyoruz. Eser, dönemin Karahanlı Hanı Tavgaç Uluğ Buğra Kara Han'a ithaf edilmiştir. Buğra Kara Han da *Kutadgu Bilig* eserini çok beğenmiştir.

Eserin başkarakterleri: Kün Togdı - "İlig" (hükümdar), Aytoldı - vezir, Ögdülmiş – vezirin oğlu, Ogdurmuş – vezirin akrabası. Eser, bu dört karakterin konuşmaları üzerine kuruludur.

Eserin nüshaları bulunduğu ve muhafaza edildiği yerlere göre isimlendirilir. Eserin bilinen ilk nüshası 1439 yılında Hasan Karı Sayıl Şems tarafından Herat'ta Uygur harfleriyle istinsah edilmiştir. Bir süre sonra İstanbul'da Abdurahman Bahşı isimli birinin eline geçmiştir. Kaynaklar kitabın 19. yüzyılın ortalarında İstanbul'dan Viyana'ya getirildiğini belirtmektedir. Bu kaynaklardan dolayı eserin bilim dünyasına bilinen bu ilk nüshasına "Viyana nüshası" denmektedir. Eser Viyana Kraliyet kütüphanesinden muhafaza edilmektedir. 1823 yılında Fransız oryantalist Amed Jaubert, "Kutadgu Bilig" adlı eser hakkında bir makale yayımladı. Bu, eserle ilgili bilim dünyasında yayımlanan ilk yayındı.

Kutadgu Bilig'in Viyana nüshası daha sonra Macar müsteşrik Harmin Vambéry'nin ilgisini çekmiş ve onun tarafından incelenmiştir. Eser dilinin eski olması, eserin metinsel çalışmalarının yıllarca uzamasına sebep olmuştur. Vambéry'nin kapsamlı ve titiz araştırmalarının meyvesini vermesi 20 yıl sürecekti. Son olarak 1890 yılında eserini "Eski Uygur Anıtları ve "Kutadgu Bilig"³⁴⁰ adıyla yayımladı. Ayrıca eserin bazı bölümlerini de yayımlamayı başardı.

Kutadgu Bilig'in ikinci nüshası 196 yıl sonra Kahire'de bulundu. Rus bilim adamları Kahire nüshasının bir fotokopisini çektiler. Bu nüsha halen Özbekistan Cumhuriyeti Bilimler Akademisi Ebu Reyhan Beruni adlı Şarkşinaslık Enstitüsünde muhafaza edilmektedir.

Bu eserin bir de Nemengan nüshası bulunmaktadır ve nüshanın bilim dünyasına tanıtılması 1913 yılına, müsteşrik bilim adamı Velizade (Zeki Velidi)'ye dayanmaktadır. Velizade 1913 yılında Hokand'a gitmiş ve orada İşan Lalereş adlı bir kişinin eserin bir kopyasına sahip olduğunu öğrendi. Bu bilgiyi 1914 tarihli hizmet yazışmalarında bulabiliriz. Bir süre sonra Abdurauf Fitrat'ın Nemengan'da çıkan bir makalesinde bu esere "Mutluluk Bilgisi" adı verilmiştir. Ancak Rus baskı

³³⁹ Қаранг: Каримов Қ. "Юсуф Хос Ҳожиб ва "Шоҳнома" // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент. 1965, – № 8. – Б. 58-62.

³⁴⁰ Бердалиев А. О рукописных списках «Кутадгу билиг» и о первых их исследователях / Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси "Қутадғу Билиг" ва уни ўрганишининг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 114.

politikası nedeniyle bu yazılar sonraki yıllarda kamuoyunun gözünden uzak kalacaktı.

Birçok kişi, eserin sadece tavsiye niteliğinde nasihatname olduğunu, düşünür. Ama bu eser sadece kendi döneminin değil, aynı zamanda çağımızın felsefi meselelerinin bir mecmuasıdır. *Kutadgu Bilig*'in Birinci Rönesans'ın İslam-Türk doğrultusunda yazılmış ilk eseri olduğunu söylersek yanılmış olmayız.

Bu eserin büyük mirasının bir diğer yönü de, insanın şaşkınlık ve yanılgılardan kurtulmasının temel yolunun akıl, iman ve bilgi olarak yorumlanmasıdır. Bu nedenle Yusuf Has Hacib'in eserlerine olan ilgi, aradan yaklaşık 1000 yıl geçmesine rağmen azalmamıştır. Hiç şüphe yok ki bu ve diğer eserler Üçüncü Rönesans'ın manevi temellerini inşa etmemize hizmet edecektir.

Kutadgu Bilig adlı eser sadece Türk dünyasında değil, Özbekistan'da da pek çok dilbilimci ve edebiyatçı tarafından incelenmiştir. Bu eser dünya çapında Türkologlar, felsefe araştırmacıları ve edebiyat bilimcileri tarafından incelenmiştir. Özbekistan'da da bilimsel ve kültürel açıdan derinlemesine inceleyen çok sayıda bilim adamı vardır. Ancak bu eser henüz felsefi açıdan tam anlamıyla incelenmemiştir.

Yusuf Has Hacib'in bilimsel mirası, Türk halklarının tarihi ve kültürel mirasının çok değerli bir kaynağı niteliğindedir. Bunu incelemek ve gelecek nesillere aktarmak bugün de bilim ve felsefemizin önemli konularından biri olmaya devam etmektedir.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

11. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Тошкент: Ўқитувчи, 2021.
12. Каримов Қ. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”. – Тошкент: Фан, 1971.
13. Омонов Қ. Асар отида келган “қут” сўзи тўғрисида // “Қутадғу билиг” – буюк маънавий мерос. Илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2010.
14. Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. (Nashrga tayyorlovchi G‘. Abdurahmonov.) –Т.: Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010.
15. Каримов Қ. “Юсуф Хос Ҳожиб ва “Шоҳнома” // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент. 1965, – № 8.
16. Бердалиев А. О рукописных списках «Кутадгу билиг» и о первых их исследователях / Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу Билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020.
17. Муҳамедов А.А. Юсуф Хос Ҳожиб илмий меросининг ижтимоий-фалсафий таҳлили // Монография. – Тошкент: Олтин Қалам нашриёти, 2023. – В.155.
18. Муҳамедов А.А. Yusuf Has Hacib'in bilimsel mirasının sosyo-felsefi analizi // Monografi. – Истанбул: Найзен Китаб, 2024. – П. 218.

19. Мухамедов А.А. Юсуф Хос Ҳожиб ва Мишел Монтен ахлоқий қарашларининг компаративистикаси // Монография. – Тошкент: Олтин Қалам нашриёти, 2024. – В.198.
20. Мухамедов А.А. Маънавий тараққиётнинг ҳозирги босқичида Юсуф Хос Ҳожиб маънавий меросига эҳтиёж // Тафаккур манзиллари. Илмий-услубий журнал. 7-сон 1-жилд, 2023. – Б. 78-83.(09.00.00; №20)